'ZBEKISTON
SPUBLIKA
Y KITOB PAL

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 28 декабрь, чоршанба • № 103 (11.802) • Эркин нархда сотилади

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**Шу йил 27 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдаги бешинчи сессияси бўлиб ўтди.**
**Сессияни вилоят ҳокими, Халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси Мирзамашрап Куччиев бошқарди.**

Депутатлар 2005 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг дастлабки якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, вилоят маҳаллий бюджетининг 2004 йилги ижроси ва 2006 йил бюджетининг лойиҳаси, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси ва сессия кун тартибига киритилган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

Вилоят ҳокимининг «Вилоятни 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ишларнинг дастлабки якунлари тўғрисида»ги маърузасини муҳокама қилишда иштирок этган депутатлар шу йил 7 ноябрь куни ўтказилган Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида республика Президенти томонидан рўй-рост кўрсатиб берилган қатор камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан муайян ишлар қилинганлигини таъкидладилар.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятда 1282,6 миллиард сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқарилган ёки 2004 йилга нисбатан тўрт фоизга ўсиш таъминланган. Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ҳажми 1507,8 миллиард сўмга (ўсиш суръати 5,8 фоиз), истеъмол товарларининг ҳажми 301 миллиард сўмга (17,8 фоиз), чакана товар айланмаси 646 миллиард сўмга (3,6 фоиз) етказилган.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 1149 миллион АҚШ доллари миқдорида қайд этилди (ўсиш суръати 16,8 фоиз). Бу борада экспорт маҳсулотлари салмоғи 653,7 миллион долларни ёки 56,9 фоизни ва импорт 495,3 миллион долларни ёки 43,1 фоизни ташкил этди. Ташқи савдода ижобий сальдога эришилди.

Вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалик соҳасида иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши бошоқли дон экинлари ва пахтадан юқори ҳосил олиш имконини берди. Умуман, қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажми 599,7 миллиард сўмга етиб, ўсиш суръати уч фоизни ташкил этмоқда.

Сессия қатнашчилари 2005 йилда эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга бир қатор соҳаларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар хусусида ҳам атрофлича тўхталдилар. Таъкидланишича, вилоятдаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Қатор саноат корхоналарида ишлаб чиқариш суръати 2004 йилдагига нисбатан пасайишига йўл қўйилди. Хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг тўлиқ фаолият юритиши таъминланмаяпти. Ташқи савдони ривожлантириш, айниқса, экспорт масаласига эътибор етарли эмас.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерчиликни ривожлантириш ва бу хўжаликларнинг вилоятда етиштирилаётган ялпи маҳсулот ҳажмидаги улушини кўпайтириш, ердан оқилона ва самарали фойдаланиш ишлари ҳам бугунги кун талаблари даражасида бўлмаяпти.

Ижтимоий инфратузилма иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бирмунча суст. Вилоятда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги жиддий нуқсон ва камчиликлар аҳолида ҳақли эътирозлар уйғотмоқда. Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Депутатлар вилоят ҳокимининг айрим қарорларини тасдиқладилар.

Сессияда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

### 2006 йил 2 январь душанба иш кунини 2005 йил 31 декабрь шанба кунига кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2006 йил 2 январь душанба иш куни 2005 йил 31 декабрь шанба кунига кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 декабрь.

## ЎҚИТУВЧИ МЕҲНАТИ ҚАДРИ

**Юртбошимизнинг яқинда эълон қилинган «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Яқинда Бўка тумани ҳокимлигида мазкур қарор юзасидан ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

Семинарда қарорнинг мазмун моҳияти чуқур ўрганилиб, бу хусусда атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилди.

Унда Бекобод шаҳри, Бекобод, Оққўрғон, Пскент ҳамда Бўка тумани халқ таълими мудирлари, бош ҳисобчи, иқтисодчи ҳамда мактаб директорлари иштирок этди.

**Саид ҲАСАНОВ.**



«КЕЛАЖАК ОВОЗИ»:

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида "Келажак овози" республика ёшлар кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси васийлик кенгаши раиси Г.Каримова одатда истеъдодли ёшлар фаолиятининг дастлабки босқичида ўз интилиши ва иқтидорини намоён этишда алоҳида эътибор ва кўмакка эҳтиёж сезишини таъкидлади. Уларнинг қобилиятини ўз вақтида аниқлаш ва ижодини рағбатлантириш, истеъдодини намоён этишида кўмаклашиш жамиятнинг турли жабҳаларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. "Келажак овози" танловини ўтказишдан мақсад ҳам ана шундай эзгу ишга ҳисса қўшишдан иборат эди.

Чинакам ёшлик, гўзаллик, бунёдкорлик ва нафосат байрамига айланган кўрик-танлов бадиий, тасвирий, мусиқий ижод, амалий санъат, ижтимоий соҳа, меъморчилик, ахборот технологиялари сингари йўналишлар бўйича кўплаб янги истеъдодларни кашф этди. Мамлакатимиз ёшлари орасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, илм ва ижодга иштиёқманд йигит-қизларга устозлар маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш имконини берди.

Олти йўналиш бўйича ўтказилган танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган уч минг нафардан зиёд умумтаълим муассасалари, коллеж ва лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда ёш мутахассислар иштирок этди. Улардан 260 нафари республика саралаш босқичига йўлланма олди.

Таниқли жамоат, фан, маданият ва санъат намояндалари, етук олимлар ва малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати танловнинг республика саралаш босқичигача етиб келган ёшларнинг ижодий ишларини синчиклаб ўрганиб чиқди. Пойтахтимиздаги тегишли олий ўқув юртлари ҳамда ижодий муассасаларда улар билан мулоқотлар уюштирилди. Танлов қатнашчиларининг ҳакамлар ҳайъати олдидаги чиқишлари ва ижодий лойиҳаларнинг жамоатчилик учун тақдимоти ўтказилди. Ана шундай босқичлардан муваффақиятли ўтган қирқ нафар йигит-қиз танловнинг республика босқичида ғолиб бўлди.

Ғолибларга диплом, совға ва грантларни таниқли хонандалар, фан, маданият, санъат ва жамоат арбоблари топширди. Ғолиблар пойтахтимиздаги махсус ўқув юртларида ўз мутахассислиги бўйича ўқув курсларида сабоқ олиш, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг олий ўқув юртлари талабаларининг шартнома маблағини қоплайдиган таълим грантлари дастурида имтиёзли иштирокчи мақомига эга бўлдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***СУРАТДА:** танлов ғолиблари – вилоятимиз вакиллари Гулбаҳор Азимова ва Садоқат Дадабоева.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## «ТЎРТ КАРРА ЙЎҚ!»

**«Сиҳат-саломатлик йили» вилоят дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўртачирчиқ тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида гиёҳвандлик, чекиш ва ОИТСнинг олдини олишга қаратилган «Тўрт карра йўқ!» ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва атроф муҳитни асраб-авайлашга ундовчи «Тўрт карра ҳа!» тадбири бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Ўртачирчиқ туман хотин-қизлар қўмитаси, туман ички ишлар бўлими, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари иштирок этишди.

Тадбир қатнашчилари, ёшларнинг «Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва ОИТСга қарши» шиори остида уюштирган кўргазма ва мусиқали шоу дастурининг гувоҳи бўлишди.

**Анора КАРИМОВА.**

## ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

**Пойтахтимизда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятига бағишлаб ўтказилган медиа форум "Замон билан ҳамнафас, халқ билан бирга" деб аталди.**

Тадбир Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Нодавлат электрон ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Республика нодавлат телекомпаниялар телетармоғи каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамғармалар, юртимиздаги барча нодавлат телекомпаниялар, телестудиялар, марказлар, радиостанциялар вакиллари иштирок этди.

Ўтган қисқа вақтда юртимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга оид кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, телерадио индустрия бозорини ривожлантириш, тижорат ва ҳудудий нодавлат телерадиостудияларнинг фаолияти учун зарур шароит яратишга, моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлашга, журналистлар ва техник ходимларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Форумда нодавлат оммавий ахборот воситалари ўртасида ўтказилган тендер натижасида ғолиб чиққан жамоаларга замонавий техник ускуналар топширилди.

**ЎзА.**

*Ер эгаси эртага ким бўлади?*

**Комилжон Мирзааҳмедов 26 йилдан бери Бекободдаги «Хос» ширкат хўжалигида меҳнат қилиб келади. У ўзининг деҳқончиликдаги кўп йиллик тажрибасини, уқувини шу заминда орттирди, табиий шароит инжиқликларидан ҳам, тупроқ унумдорлигидан ҳам яхшигина хабардор. Бироқ, «Хос» кейинги йилларда паст рентабелли, истиқболсиз, сурункасига зарар кўриб ишлаётган хўжаликлардан бирига айланиб қолди.**

## ЗАМИНГА МЕҲР

Ислоҳотлар тақозосига кўра, унинг ерлари тендер асосида даъвогарларга бўлиб бериладиган, аниқроғи, фермер хўжаликларига айлантириладиган бўлди. Ўзининг қадрдон ерларида фермер сифатида фаолият юритишни дилига тугган пудратчи Комилжон Мирзааҳмедов ҳам танловда қатнашиш учун ариза берди. Биз у билан жараён теграсида суҳбат қуриб, оддий талабгорнинг танловолди фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

**— Айтингчи, мазкур жараёнда даъвогарлар керакли барча маълумотлар, ахборотлардан тўла хабардор бўла оляптиларми?**

— Албатта, бу борадаги барча маълумотлардан етарлича хабардор бўлиш даъвогар учун ўта муҳимдир. Бунинг учун шу вақтгача хўжалигимизда бир қанча йиғинлар, мутахассислар билан мулоқот ва учрашувлар ташкил этилди. Маҳаллий матбуот ва телевидениеда ҳам бу борадаги янгиликлар, эълон ва билдирувлар берилмоқда. Маълум қилинишича, 27 та фермер хўжалиги тузилиши кўзда тутилган. Уларнинг 26 таси пахта ва ғаллачилик, биттаси боғдорчилик йўналишида бўлади. Айни вақтда даъвогарлардан ариза қабул қилиш натижаларига кўра, бир ўринга учтадан ортиқ даъвогар бор.

**— Тендерда кимнинг имкониятлари юқори бўлади, деб ўйлайсиз?**

— Албатта, чинакам деҳқоннинг. Ер билан «тиллаша» оладиган, шу соҳада суяги қотган, хўжаликнинг тупроғи, иқлими хусусиятларини яхши биладиган, узоқ йиллар самарали меҳнат қилган кишилар ер эгасига айланишларига ишонаман. Даъвогар сифатида рўйхатга олинганларнинг деярли ҳаммаси ўзимизнинг хўжаликда фаол меҳнат қилган, чинакам деҳқон инсонлар. Шу боис кутилаётган танловлар ўта муросасиз тус олиши аниқ.

**— Сафдошларингиз орасидаги ўрнингизни қандай баҳолайсиз?**

— Авваламбор, кўп йиллик меҳнат фаолиятим қўл келишига ишонаман. Қолаверса, назарий томондан ҳам уқувим етарли, деб ўйлайман. Мутахассислигим — зооmуҳандислик. 47,5 гектар ерга ариза берганман. Бизнес режамда фермерлик фаолиятим истиқболларини барча мезонлари билан кўрсатиб ўтганман. Унда ердан унумли фойдаланиб, ҳосилдорликни ошириш борасидаги асосли таклифларим бор.

Очиғи, хўжалигимизда ўтган вақт мобайнида пахта ва ғалла ҳосилдорлиги анча пастлаб кетганини тан олиш керак. Бу йилги кўрсаткичлар хўжалик бўйича пахтадан 14-15, ғалладан аранг 25 центнерга етгани ғоят ачинарлидир. Бунинг асосий сабаби, ерларга ҳақиқий эгалик ҳисси билан ёндошилмаганлиги, унга умумжамоа мулки, деб панжа ортидан қаралганлигидадир. Аслида ер ҳам тирик организм. У ҳамиша меҳрга, эътиборга, парваришга муҳтож бўлади. Вақтида озиқлантириб, вақтида агротехник ишловлар бериб борилса, муайян юқори натижаларга эришиш мумкин. Худди шу шароит, худди шу тупроқдан ҳам пахтадан камида 30, ғалладан 60 центнердан юқорилатиб ҳосил олиш имконияти бор. Бунинг учун эса ерга, меҳнатга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим.

**— Дейлик, фермер бўлдингиз...**

— Агар танловда ғолиб чиқиб, мақсадимга эришсам, юқорида айтганларимнинг амалий ифодасини ўз фаолиятим мисолида намоён этардим. Бунинг учун аввало, ерга меҳр қўйган, деҳқончиликни севган инсонларни шартнома асосида ишга жалб этаман. Дастлабки йиллар иқтисодимизни ўнглаб олиш учун бор имкониятларни ишга солиб, маблағни, фойдани, меҳнат ҳақини тўғри режалаштириб, оқилона тақсимлашга катта эътибор бераман. Бир сўз билан айтганда, ўзимиз ва жамият манфаати, фаровонлиги учун самарали меҳнат қиламиз. Ишонаманки, бу кунлар яқин қолди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ**
**суҳбатлашди.**

*Ватан ҳимоячилари куни олдидан*

## ЗОБИТЛИК МАСЪУЛИЯТИ

**Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан жадал одимлар экан, мустақил она-Ватанимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари даражасига кўтариш, халқимиз турмуш шароитини юксалтириш, тинч-осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, минтақамиздаги мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда миллий хавфсизликни таъминлаш, мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий ислоҳотлар стратегияси асосида мамлакатимизда сон жиҳатидан катта бўлмаган, замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминланган, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг самарали усулларини эгаллаган профессионал армия шакллантирилмоқда.

Бу жараён ўз навбатида ёш офицерлар олдига катта вазифалар қўяди ва жиддий масъулият юклайди. Маънавий-ахлоқий фазилатларни ўзида шакллантира олган ёш офицер юксак илмий техник билимларга, кенг дунёқарашга, одамлар билан ишлаш қобилиятига эга бўлмоғи лозим. Ана шундай ёш офицерларни рағбатлантириш мақсадида Марказий ҳарбий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлигининг ёш офицерлар слёти бўлиб ўтди.

Тадбирда республика Қуролли Кучлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши вакиллари қатнашди. Унда сўзга чиққанлар халқимиз қонида азалдан ватанпарварлик туйғулари борлиги, Ватанни ишончли ҳимоя қилиш ҳарбий хизматчининг бурчи эканлиги, уларга катта ишонч билдирилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Тошкент ҳарбий округи томонидан ёш офицерларга Қўмондон миннатдорчилиги изҳор этилиб, уларга қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар топширилди. Шунингдек, катта концерт дастури ҳамда байрам дастурхони уюштирилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиёти, давлатнинг амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатидан доимий хабардор бўлиш ҳар бир офицернинг бурчидир. У сиёсий жиҳатдан етук бўлгандагина жамият тараққиёти қонунларини англаб етади, ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини тушунади ва уни қўлостидаги ҳарбий хизматчиларга тўғри етказа олади.

**Ўз мухбиримиз.**

## СОЗ ВА БЕТЎХТОВ

**«Ангрен-Поп» нефть базасидан фойдаланиш дирекциясининг автотранспорт бўлимида эндиликда нефть маҳсулотларини манзилга вақтида етказиб беришда «Форд» машиналаридан фойдаланилмоқда.**

Шу йўсинда кейинги уч йил ичида бўлимнинг транспорт-техника базаси мустаҳкамланди. Айни вақтда бу ерда 130 та «Форд», 32 та «МАЗ», 10 дан ортиқ «КамАЗ» ва бошқа транспорт воситалари мавжуд. Уларнинг қиш мавсумида соз ва бетўхтов ишлаши учун зарур шароитлар яратилган. Энг мураккаб тоғ йўллари — Қамчиқ довонида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳайдовчилар билан ҳафтанинг ҳар душанбасида суҳбатлар ўтказилади. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига йиллик топшириқларни 102,4 фоизга муддатидан олдин адо этдилар.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

**2006 йил учун обуна давом этмоқда**
**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.**

## ТАРҒИБОТ УЧУН ТАНЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва БМТ Болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси томонидан "Темир танқислиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишда ун ва ун маҳсулотларининг аҳамияти" мавзуини оммавий ахборот воситаларида ёритишда фаоллик кўрсатган журналистлар учун танлов эълон қилинди.**

"Гемотаген ун" деб аталувчи ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ЮНИСЕФ ташаббуси билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси ҳамкорлигидаги унни бойитиш бўйича миллий дастур асосида амалга оширилмоқда.

Шу сабабли ҳам ташкил этилаётган танловда иштирок этадиган журналистлардан аёл ва болалар соғлиғида микроэлементлар билан бойитилган ун истеъмол қилишнинг ижобий таъсирини кенг ёритиш талаб этилади. Танлов 2006 йилнинг май ойига қадар давом этади. Унда республиканинг барча вилоят ва шаҳарларида фаолият юритаётган ОАВ ходимлари иштирок этишлари мумкин.

**«Туркистон-пресс».**

## ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Бундан бир қанча йил муқаддам Ўзбекистон ҳукумати ва БМТнинг Болалар ташкилоти ЮНИСЕФ томонидан "Бола ҳуқуқлари кафолати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилган эди.**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида мазкур ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси концепцияси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ёрдамга муҳтож етимлар, қаровсиз қолган, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилада тарбияланаётган болаларни ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилувчи мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва асосий вазифалар хусусида маълумот берилди.

Тадбирда "Бола ҳуқуқлари кафолати тўғрисида"ги қонуннинг моҳияти, келажакда болалар қандай ҳуқуқларга эга бўлиши ва у қандай тартибда амалга оширилиши муҳокама этилди.

**«Туркистон-пресс».**

# ИШ ЎРИНЛАРИ БИЛАН



**Аҳолини фойдали меҳнатга янада кенгроқ жалб этиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишда жойларда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларининг самараси сезиларли бўлмоқда. Зангиота туманидаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркаси ҳам бу борадаги махсус дастур доирасида уюштирилиб, маҳаллий аҳоли вакилларига кўплаб бўш иш ўринлари таклиф этилди.**

Унда туманда фаолият юритаётган қатор корхона ва ташкилотлар, хусусан, «Тошкент», «Мустақиллик», Алишер Навоий номли ширкат хўжаликлари ҳамда «Зангиота МТП», «Фаровон» масъулияти чекланган жамияти, «Сингапур-Самарқанд» қўшма корхонаси, вилоят кимётаъминот ташкилоти, 1-вилоят шифохонаси, «Агротон», «Ан-нур Мавлуда» каби хусусий фирмалар вакант ўринлари билан иштирок этдилар. Ярмаркада иш сўраб мурожаат қилган фуқаролардан 54 нафари ўз ихтисоси бўйича ва алоҳида мутахассислик талаб қилмайдиган вазифаларга доимий ишлаш учун қабул қилинди. Уларнинг 25 нафари аёллардир.

Ярмаркани ўтказиш ва аҳоли вакилларини фойдали йиғинга сафарбар этишда қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмитаси маслаҳатчилари ва фаоллар ташаббус кўрсатдилар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



**СУРАТЛАРДА:** *бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасидан лавҳалар.*
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили*



## ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШГАНДА

**Ўртачирчиқ туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят маслаҳатчилар кенгаши ҳамкорлигида туманнинг Йўнғичқалъа қишлоқ фуқаролар йиғини «Бахт уйи»да «Сиҳат-саломатлик йили» якунига бағишланган «Миллат соғлиғи — юрт бойлиги» маданий-маърифий, мусиқали байрам тадбири ўтказилди.**

Тадбирда Сиҳат-саломатлик йили мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз борди. Иштирокчилар йил якунига бағишлаб уюштирилган зукко ва оқила ҳамширалар танловининг ҳам гувоҳи бўлишди. Шунингдек, туманда истиқомат қилувчи тўққиз миллат вакиллари ўз миллий таом ва либосларини, урф-одатлари, маданиятлари намуналарини намойиш этишди.

**Ибодилла МЎМИНОВ.**

## УЛАР ҲАМИША ҲИМОЯМИЗДА

***Ҳар бир фарзанд ота-онаси, оила аъзоларининг илиқ меҳрига тўйиб улғайишни хоҳлайди. Лекин қандайдир сабаблар билан яқинларидан ажралган айрим болалар меҳрибонлик уйларига ёки бошқа оналар қўлига тушиб қолади. Жамиятимизда боқувчисини йўқотган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга мурувват кўрсатиш борасида бир қатор нодавлат ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.***

Жумладан, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ўз фаолиятини «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида тиббий, инсонпарварлик ва маданий-маърифий ишлар билан изчил шуғулланиб келмоқда.

Жамғарма хайрия тадбирларини уюштиришда АҚШнинг «Амери Керз» ва Германиянинг «Фриденсдорф интернэшнл» сингари бир қатор халқаро хайрия ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Улар томонидан келтирилган дори-дармонлар, муолажа воситалари ва жиҳозлар тиббий муассасалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйлари тарбияланувчиларига тарқатилмоқда. Шунингдек, жамғарма ва унинг минтақавий филиаллари томонидан йил давомида меҳрибонлик уйларида жами 170 дан зиёд хайрия, маданий-маърифий ва спорт йўналишида тадбирлар ўтказилди.

Келгуси «Ҳомийлар ва шифокорлар» йилида ҳам бу фаолиятни давом эттириш режалаштириб қўйилди. Жамғарма томонидан меҳрибонлик уйларини қўллаб-қувватлаш мақсадида навбатдаги яна бир хайрли иш амалга оширилди. Халқаро ҳамкорлар томонидан келтирилган мурувват юклари республикамизнинг 28 та меҳрибонлик уйларига топширилди.

Тақдимот маросимида иштирок этган вилоятимизнинг 14- ва 15-меҳрибонлик уйларига ҳам тиббий-гигиеник воситалар, мультивитаминлар, иссиқ кийимлар, ўйинчоқлар ва бошқа совғалар берилди.

**Мўмин ИБОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ДАВР ТАЛАБИГА МОС

**Вилоятдаги қишлоқ врачлик амбулаторияларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида уларнинг моддий-техник негизи мустаҳкамланмоқда.**

Янгийўл, Пскент, Бўка туманларидаги шифохоналардан бир нечтаси сифатли таъмирдан чиқарилди. Қуйичирчиқ туманидаги шифохона ҳам замонавий қиёфа касб этди. «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба хўжалигида ишлаб турган туғрукхона ва акушерлик мажмуаси тубдан таъмирланди.

Энди бу ерда «Она ва бола» маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда.

**Али АКБАРОВ.**

*Муаммо ва мулоҳаза*

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ ҚАЕРДА?

Дунёда ҳеч бир давлат, миллат, жамият йўқки, ўз келажагини ўйлаб яшамаса. Келажак эса меҳнат билан, кураш билан яратилади. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг халқимиз олдида истиқболнинг кенг имкониятлари очилди.

Ўтмиш тарихнинг гувоҳлик беришича халқимиз мустақил бўлганда ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиб, дунёни лол қолдирган. Бундай бахт халқимизга икки марта кулиб боққан. Жумладан, IX-XII асрларда аждодларимиз ўз маданияти, маънавияти, ақл-заковати билан қудратли мустақил давлатни барпо этиб, жаҳон фани, маданияти, маънавияти ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Иккинчи марта халқимиз бундай бахтга Темур ва Темурийлар даврида эришди. Халқимиз орасидан буюк фан ва маданият арбоблари етишиб чиқди.

Бугун ҳам биз мустақилмиз. Бу демак, халқимиз яна дунёга ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Ҳа, тақдиримиз ўз қўлимизда. Мақсадимиз — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш. Бунга эришиш, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини қуриб, мамлакатимизда яшовчи ҳар бир инсоннинг тенглигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, «Фарзандларимиз биздан кўра ақлли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари» учун астойдил меҳнат қилишимиз керак.

Бошқача айтганда, мамлакатимизда янги қурилаётган ҳуқуқий-демократик жамият пойдеворини шундай бақувват, чуқур ва мустаҳкам барпо этишимиз керакки, келгуси авлодларимиз қурган бино ҳам мустаҳкам бўлиб, абадий турсин. Тўғри, бу халқимиздан катта салоҳият, куч-ғайрат, ирода ва шижоат, энг муҳими, ўз келажагига ишонч ва эътиқодни талаб этади. Зеро, бугун Ўзбекистон бир ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчи ижтимоий-сиёсий тузумга, яъни собиқ социалистик режали хўжалик юритишдан ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиёти сиёсатига ўтиш даврини бошидан кечирмоқда.

Табиийки, бир тузумдан иккинчисига ўтиш даврида ҳар қандай давлат ва жамиятда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий қийинчиликлар, ғоявий ва мафкуравий муаммолар бўлади. Уларни енгиб ўтиш, аввало, ҳар бир халқнинг жипслиги, дунёқараши, ўз тақдирига масъулият билан ёндоша олиши, уюшқоқлиги, ишонч ва умидига боғлиқ.

Ўзбек халқида бундай хислат ва фазилатларнинг барчаси мавжуд. Буни Мустақилликнинг дастлабки 14 йилида эришилган ютуқларда кўриш мумкин. Бироқ, бу ютуқлар янада салмоқли бўлиши мумкин эди. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Бизнинг назаримизда, олдимизда турган улкан мақсадларга эришиш, иқтисодий тараққиётни таъминлаб, жаҳондаги илғор, иқтисодий ривожланган, демократик давлатлар қаторидан ўзимизга хос ва мос ўрин эгаллашимизнинг энг муҳим, шу билан бирга оддий йўли ўзимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларига бўлган муносабатимизда. Сир эмаски, аксарият аҳоли хориж маҳсулотларига ружу қўйган. Улардан нега ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилмайсиз, деб сўрасангиз, битта — «сифатсиз» деган жавоб оласиз. Ўз маҳсулотимиз сифатли бўлиб, дунё андозаларига жавоб бериши, жаҳон бозори пештахталаридан мустаҳкам жой олиб, харидоргир бўлиши учун нима қилиш керак?

Бизнингча, ўзимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифати яхшиланиб бориши учун, аввало уларни харид қилиш керак. Биринчидан, ўз маҳсулотларимизни сотиб олсак, саноатимиз корхоналари анча барқарор ишлаб турган бўларди. Иккинчидан, мазкур корхоналар маҳсулот сотишдан тушган фойдани янги техника ва технологиялар харид қилишга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини арзонлаштиришга сарфлаши муқаррар эди. Учинчидан, корхоналаримиз маҳсулотлари ўз вақтида аҳоли томонидан харид қилинса, уларда ишловчилар ишсиз қолмай, ўз вақтида маошини олиб, оиласини тебратиб турар эди. Агар биз келажакни, авлодларимиз тақдирини ўйласак, айнан шундай қилишимиз керак.

Бу соҳада жаҳонда катта тажриба тўпланган. Масалан, ҳинд халқи ўз бозор ва дўконларида хориж маҳсулотлари кўпайиб кетса, ҳукуматдан, давлатдан ҳаракат кутиб турмай, чет эл маҳсулотларини эмас, балки онгли равишда ўз маҳсулотларини олишаркан. Ёхуд Америка Қўшма Штатларидек давлатларда ҳам вақти-вақти билан Европа, Япония, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатлар маҳсулотларига эмбарго ёки байкот эълон қилишади. Бундан ташқари, АҚШ президенти ҳар йили радио ёки телевидение орқали ўз халқига мурожаат қилиб, уларни Америка маҳсулотларини харид қилишга чақиради. Натижада АҚШ иқтисодиёти барқарор ишлайди. Бундай ҳолатни бугун Россия Федерацияси халқи ҳаракатида ҳам кузатиш мумкин.

Нега Ўзбекистонда ҳам шундай қилиш мумкин эмас? Мумкин, бунинг учун масъулият ва онгли ҳаракат зарур, холос. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан бу борада зарур чора-тадбирлар қўлланилмоқда, дастурлар ишлаб чиқилган. Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлар ва ишбилармонларга кенг йўл очиб бериш, уларни маълум муддатга солиқлардан озод қилиш, қисқа ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш ва ҳоказолар бунга мисол бўла олади.

Бундай ҳаракатлардан мақсад, биринчидан, ички бозорни ўз сифатли маҳсулотларимиз билан тўлдириш, иккинчидан, миллий валютамиз — сўмнинг қадрини ошириш, учинчидан, ишсизликнинг олдини олиш, тўртинчидан, Ўзбекистонни четга хом ашё чиқарадиган мамлакатдан, тайёр маҳсулот чиқарувчи мамлакатга айлантириш, бешинчидан, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, уни инсонлар учун амалга оширишни таъминлашдан иборат.

Кўриниб турибдики, мақсадларимиз буюк. Уларни ҳал қилиш ўзимизга боғлиқ. Шуни унутмаслик керакки, четдан ҳеч ким бизга бекорга ёки текинга ёрдам бермайди, ўзбек халқи ривожланиб, бойиб, биздан ўзиб кетсин демайди.

Демак, ўзимиз Ватанимиз қаддини янада тиклайлик, уни буюк давлатлар қаторига олиб чиқайлик. Бунинг учун катта моддий ва маънавий бойлигимиз, кучли илмий салоҳиятимиз, энг муҳими, ажойиб меҳнаткаш халқимиз бор. Бундай матонатли, сабр-қаноатли халқ билан ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишимиз муқаррар.

Президентимиз таъбири билан айтганда — «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам».

**Искандар ҲАЙИТОВ, тарих фанлари номзоди, доцент.**

*Маҳалла*

## ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИКДА

**«Маҳалла» хайрия жамғармаси Янгийўл туман бўлими ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида қишлоқ хўжалик экинлари ва ғалла майдонлари пайҳон қилинишининг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди.**

Унга кўра маҳаллаларда махсус ишчи гуруҳлари иш олиб бормоқда. Улар ўз ҳудудида жойлашган ўқув масканларида экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш юзасидан суҳбатлар ўтказишяпти. Шунингдек, ариқ-зовурларни тозалашга аҳоли ҳамда ташкилот ва корхоналар вакиллари жалб қилинди.

**Мастура ҚОРАБОЕВА, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг бош мутахассиси.**

*Қўриқлаш хизмати*

## ЎЗИНГНИ ЭҲТИЁТ ТУТ...

**Бугунги кунда ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш хизмати мамлакатимизда давлат миқёсидаги мулклар ҳимоясини таъминлаш борасида ягона ихтисослашган ташкилотдир.**

Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари айни вақтда ўзимизда ишлаб чиқарилган қўриқлаш воситалари билан бир қаторда хорижий мамлакатларда тайёрланган қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш воситаларидан ҳам фойдаланишмоқда. Натижада қўриқлаш хизмати ходимларининг иши яхшиланиб, турли хил кўнгилсизликларнинг олди олинаётир.

Юқоричирчиқ тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси томонидан ҳозирги кунда туман ҳудудида жойлашган 41 та объект қўриқланмоқда. Йил давомида қўриқланаётган объектларнинг биронтасида ҳам ўғирликларга йўл қўйилмади. Туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходимлари объектларда содир этилаётган ўғирлик ва майда ташмачиликларнинг олдини олиш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Олиб борилаётган тадбирлар натижасида майда ташмачилик билан шуғулланаётган 87 та шахс аниқланиб, улардан жами 63 950 сўмлик моддий товар бойликлари олиниб, корхона ва ташкилотларга қайтарилди.

**Алишер САЪДИЕВ, Юқоричирчиқ тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи.**

*Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар*

# САНЪАТ – КЎНГИЛ ҒУНЧАСИ

**Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши лобар қизларимиз орасидан зукко, юксак истеъдод эгаларининг кашф этилишига катта замин яратди. Ўтган олти йил мобайнида вилоятимиз вакилалари ҳам ўзларининг изланувчанликлари, интилувчанликлари билан мана шу олий мукофотга сазовор бўлмоқдалар. Бу йилги танловнинг яқинда ўтган вилоят босқичида паркентлик Шаҳноза Хўжаева санъат йўналиши бўйича ғолиб деб топилиб, республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.**



Шаҳноза 1988 йили Қорақалпоқ қишлоғида ишчи оиласида таваллуд топди. Болаликдан санъатга бўлган ихлоси, қизиқувчанлиги уни рақс тўгарагига етаклади.

— Ўша кезлари мактабнинг учинчи синфида ўқирдим, — илиқ таассурот билан эслайди Шаҳноза. — Тўгарак раҳбари Шалола Мирзахўжаева мени мамнуният билан қабул қилдилар. Дастлаб машғулотларни устозимнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларини зимдан кузатишдан бошладим. Машқларда рақс усулларини кунт ва сабот билан ўргандим. Ҳар бир машғулотда янги-янги қирраларни ўзлаштирмагунча, кўнглим тинчимасди. Айрим тенгдошларим қийинчиликларга бардош беролмай, тўгаракни ташлаб кетишди. Мен эса, буни тасаввур ҳам эта олмасдим.

Кейинчалик тўгарак раҳбари Шаҳнозадаги иштиёқни пайқаб, ёш шогирди билан алоҳида машғулотлар ўтказа бошлади. Бетиним уринишлар, саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди.

— Саҳнада илк бор мустақил чиқишим туман миқёсидаги маданий тадбирлардан бирига тўғри келди, — дейди суҳбатдошимиз. — Талабчан устозим раҳбарлигида «Шароб» қўшиғига саҳналаштирилган рақсимни намойиш этдим. Ўша пайтдаги бутун ҳаяжоним ҳали-ҳануз ёдимда.

Ёш рақкоса 2000 йилнинг сентябридан туман ўқувчилар ижодиёт марказининг рақс тўгараги машғулотларига қатнаша бошлади. Ижрочилик маҳорати сайқалланиб боргани сари туманда ўтказиладиган «Рақс — 2004», «Оху — 2004», «Оху — 2005» танловларида мутлақ ғолибликка эришди. Шунингдек, у 2004 йилда Мукаррама Турғунбоева номидаги республика рақкосалар танловида муваффақиятли иштирок этиб, «Латофатли иштирокчи» дипломи билан тақдирланди.

— Уйда бирор юмуш билан шуғулланаётганимда радиони ишлатиб қўяман, — дейди у. — Бир куни танбурда чалинаётган ёқимли куй диққатимни тортди. Дарҳол кассетага ёзиб олдим. Қайта-қайта эшитиб, янги бир композиция яратдим. Унга «Кўза» деб ном бердим. Сабаби кўза кўтариб сувга чиққан пари қиз қиёфасини ифодалаган эдим-да. Уни илк бор онамга намойиш этдим. Ўшанда қўлимда кўза эмас, оддий бир графинни ушлаб олган эдим. Шу жиҳати жонли чиқмаганлиги боис, камчиликни тузатишимни айтдилар. Кейинчалик катта маданий тадбирда ушбу янги композициямни намойиш этдим. Кўпчиликка маъқул бўлган эканми, келгуси бир тадбирда «Кўзангни олиб келмадингми? Ўша рақсни ижро этиб берсанг яхши бўларди», — деб қолишди. Кутилмаган бу таклиф кўнглимни кўтариб юборди.

Хуллас, яна бир ижод маҳсулига қўл урдим. Танбур садолари остида ижро этиладиган ва «Товус» деб номланган ушбу рақс яраланган қуш ноласи ҳақида.

Санъатни кўнгил тубидаги ғунчага қиёслайман. Кимки уни ардоқлаб эъзозласа, келгусида шу ғунча ифори барчага албатта завқ улашади, эзгулик ва хушнудлик бахш этади.

Ёш ижрочининг бадиий ижодий изланишлари ва рақс соҳасидаги миллий анъанавий маҳорати ҳамда ижтимоий-маданий ҳаётдаги фаол иштироки вилоят комиссияси томонидан холисона баҳоланиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг санъат йўналиши бўйича республика босқичида иштирок этишга лойиқ деб топилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА:** *вилоятимиз вакиласи — ёш рақкоса Шаҳноза Хўжаева.*

## «ХУАВЕЙ» СТАНЦИЯСИ ТАҚДИМОТИ

**Хитойдаги «Хуавей» компанияси томонидан яратилган янги рақамли телефон станцияларидан бир нечтаси вилоятга олиб келинди. Улардан бири эса «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телеком» филиали Зангиота телекоммуникациялар боғламасида ишга туширилди.**

Шу муносабат билан тақдимот маросими ўтказилди. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги корхона ва ташкилотлари мутахассислари ҳамда хорижий компаниялар вакиллари иштирокидаги тадбирда янги бунёд этилган электрон қурилманинг афзалликлари тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

# Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси

*Азиз ватандошларимиз ҳамда вилоятимизнинг барча аҳлини ўтиб бораётган 2005 – «Сиҳат-саломатлик йили»нинг мантиқий давоми сифатида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дея шарафланаётган*

*2006 йилнинг*

*кириб келиши муносабати билан самимий муборакбод этади! Фурсатдан фойдаланиб, хизмати бегиннат шифокорлару ҳиммати баланд ҳомийларнинг келгуси йилдаги савобли ишларида омад ва зафарлар тилайди.*

*Байрамона кайфият йил бўйи ҳамроҳингиз бўлсин!*

# «ТОШВИЛОЯТБОЗОРСАВДО» ОАЖ

Шу азиз диёрда истиқомат қилаётган муҳтарам ватандошларимизни, вилоятимизнинг меҳнаткаш деҳқонларини

**Янги – 2006 йил**

билан қутлаймиз. Барчага соғлик-омонлик, хонадонларига тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат, қут-барака тилаймиз.

# Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси

Мустақил Ўзбекистонимиз халқини, вилоятимизнинг барча меҳнаткаш аҳлини яқинлашиб келаётган

**Янги 2006 йил** –

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» билан табриклайди!

*Янги йилда бахт, қувонч ва шоду хуррамлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин. Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз самарали бўлсин. Ишларингиз ҳамиша бароридан келсин!*

# «TOSHKENT REGIONAL TRADING»

## компанияси

вилоятимиз аҳолисини ҳамда жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган замондошларимизни кириб келаётган

**2006 йил билан**

самимий муборакбод этади! Азизлар, хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингиздан файзу барака аримасин! Янги йил ҳаммамизга қувонч ва омад олиб келсин!

# Оҳангарон ўрмон хўжалиги маъмурияти

вилоятимиз аҳолисини, юртимизнинг янада обод ва кўркам бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ўрмончиларни

**Янги йил байрами**

билан самимий муборакбод этади! Юртбошимиз ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йил ютуқларга бой бўлсин! Мустақил мамлакатимизнинг ҳар гўшаси боғ-роғларга айлансин!

# Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

## МИРЗАБЕК ҚИССАСИ

### МИША БОКСЧИ

— Шу десанг, Тошкентнинг Эски жўвасидаги биринчи босмахонага ишга жойлашдим, — Мирзабек узилиб қолган ҳикоясини давом эттирди. — Ётоқхонадан битта хона ҳам ажратишди. Ҳакимжон деган йигит дафтар варақларини машинада тикишни кўрсатиб:

— Ҳаммаси жўнгина, шундай ишлайверасан, — деди-да, ўз дастгоҳига ўтиб кетди.

Сув ости кемасидаги хизмат кишини чапдаст, уқувли, зеҳнли қилиб қўяр экан, мен сенга айтсам. Дастгоҳлар зич ўрнатилган цехда, шарақа-шуруқ овозларга эътибор бермай ишга киришдим. Ҳарбийча уст-бошим туфайлими ёки дафтарларни биринчи кунданоқ чаққон-чаққон, рисоладагидек тикишимми, ҳар қалай, танаффус пайти овқатланиш учун ошхонага кирганимда, кўпчилик менга қизиқиб қараётгандек туюлди. Икки-уч тенгдошлар бирга овқатландик, ҳовлида бироз хуморни тарқатдик. Шу пайт даврада давангирдай бир йигит пайдо бўлди. Гавдаси менга бир ярим баробар келади. Яқинлашатуриб, у папиросини қўл учида темир қутига ирғитди. Мўлжални нотўғри олдими ёки жўрттага шундай қилганмиди, ҳарқалай папирос қолдиғи қутидан ҳийла нарига тушди.

— Ҳой, қоравой, ануни қутига олиб ташла, — деди у.

Шу пайт ёнимдагилар мендан нари сурилишаётганини сезиб қолдим. Демак, давангир менга гапираяпти.

— Сенга айтаяпман, қора! — Энди унинг овози хунукроқ, хириллаб чиқди. Мен бамайлихотир папиросимни чекиб ўтиравердим. Шунда давангир тепамга келиб:

— Олиб ташла! — деди таҳдид билан.

— Ўзингнинг қўлинг синганми ёки белинг эгилмайдими? — дедим бепарво.

Давангир ёқамдан олди. Фуражкам бошимдан учиб кетди. Папиросимни туфлаб ташлашга тўғри келди. Ўрнимдан тураётиб, ёқамга ёпишган қўлларини бир сиқдим. Давангирнинг юзи буришиб кетди.

— Э-ҳа, ҳали шунақами? — деди-да, у хиёл ортга тисарилиб, узун-узун икки қўлини бошим узра кўтарди.

Бошқа иложим қолмади, билсанг. Бокс машқлари чоғида ўрганган усулимни қўлладим. Давангир гурсиллаб ағдарилди. Мен фуражкамни ердан олиб, қоқиб-сукдим-да, бошимга қўндириб, секин-секин юриб, цех сари кетдим.

Кечки пайт ишни тугатиб, бозорга тушдим, ўртамиёна бир тарвузни қўлтиқлаганимча, ётоқхонага бораётсам, хиёбонда ҳалиги давангир рўпарамдан чиқди:

— Э-ҳа, тарвуз егилари келиб қолипти-да.

Нарироқда яна бир йигит яқинлашиб келмоқда эди. Олишув бўлишини сездим. Тарвузни нарироққа қўяй деб бораётсам, давангир орқамдан келиб бир тепди. Мункиллаб бордим, лекин йиқилмадим, тарвузни ерга авайлаб қўйдим. Кейин гавдамни даст кўтардим-у, яна тепмоқ учун шайланган оёққа маҳкам ёпишиб, баландроқ кўтариб юбордим. Давангир ерда чўзилиб қолди:

— Хўш, нима қилай энди? — сўрадим оҳиста.

Давангир ерга чиндан ҳам ёмон тушганми ёки айёрлик қилдими, инқиллаб ётаверди. Шу пайт орқа томондан «их-х» деган овоз эшитилди. Чапдастлик билан ўгирилдим-у, ўзимни четга олиб, калла қўйишни мўлжаллаб келаётган иккинчи йигитни чалиб юбордим. У давангирнинг устига қулади. Тарвузни олиб, ётоқхонага кириб кетдим.

Лекин мени тинч қўйишмади. Уч кундан кейин жангобда учрашдик. Мени учта йигит ўраб олди. Нарироқда ҳалиги давангир кулимсираб турарди.

— Йигитлар, келинг, гаплашиб олайлик, — дедим.

— Биз ҳам гаплашгани келдик-да, — деди орқамда турган йигит.

Ўгирилаётиб, рўпарамдаги йигит қўлларини муштум қилиб, ҳужумга шайланаётганлигини сезиб қолдим. Энгашинқираб, биқинига мушт туширдим. Орқага ўгирилдим-у, иккинчисининг бўйни аралаш елкасига зарба бердим. Шу пайт орқадан қаттиқ тепиб қолишди. Бир сакраб, ўзимни ўнглаб олиб, кетма-кет тепмоқчи бўлган болани уриб йиқитдим. Ҳар учала йигит майсазорда думалаб қолди.

Шу-шу Эски шаҳарда Миша боксчи, деб ном олдим...

### ИНСОННИНГ БОШИ ОМОН БЎЛСА...

Қайноқ чой қуйиб узатдим. Мирзабек бир хўплаб, яна хаёлларга берилди. Назаримда шу аснода ҳамма нарсани унутгандек эди. Қўлидаги пиёла бироз титрар, чой аста-аста чайқаларди. Сал ўтмай, елкалари титрагандек туюлди. Хаёлимдан бир фикр ўтди. Мирзабек унсиз йиғларди!

Пиёлаларга оз-оздан май қуйдим. Мирзабек тўлдириб қуй, дегандек, ишора қилди. Даст кўтариб, бир-икки хўплашда пиёлани бўшатди. Газакдан бироз олиб, оғзига солаётганида кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. У қўлини артиб, сочиқни дастурхон четига тахлаб қўйди ҳамки кўз ёшлари тўхтамади.

— Шунақа гаплар дўстим, — деди ниҳоят ўзини қўлга олиб. — Инсон умри давомида пасту баландликлардан ўтаверар экан. Бу бош нималарни кўрмади.

Мелисахонасини ҳам кўрдим, ўғрихонасини ҳам. Гоҳи кезлари, ҳатто, мелиса ходимларининг ўзлари ёрдам сўраб мурожаат қилиб қолишарди. Шундай пайтларда Чорсу бозорида «шўхлик» қилган бебош гўдакларни жангобнинг бирор хилват хиёбонига тўплаб олардим-да, ҳаёт нима, қандай яшаш керак, ниҳол умрларини хазон қилмасликдан сабоқ берардим. Ҳали-ҳануз Чорсу томонларга ўтиб қолсам, тузук-тузук одамлар салом бериб қолишади, ўзларини танитишиб, бири ростмана тижоратчи, бири тузуккина раҳбарлик хизматида эканлигини айтиб, миннатдорчилик билдиришади, мен сенга айтсам.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

(Давоми. Боши ўтган сонда).

(Давоми бор).

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

## АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ

**Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуасида "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурига мувофиқ аёллар спартакиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**





*СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳа ва спартакиада ғолибалари.*

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Унда вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган уч юздан зиёд хотин-қиз спортнинг енгил атлетика, стол тенниси, волейбол, стритбол турлари бўйича беллашди.

Қизғин ва муросасиз баҳслар энг чаққон, эпчил, жисмоний тайёргарлиги юқори бўлган аёллар ва жамоалар ғалабаси билан якунланди. Енгил атлетика баҳсларида Юқоричирчиқ тумани вакилларига тенг келадиганлар топилмади. Стритбол беллашувларида Чирчиқ, волейбол бўйича Олмалиқ шаҳри вакиллари, стол теннисида ангренликларнинг қўли баланд келди.

Спартакиада Юқоричирчиқ тумани вакилларининг умумжамоа ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Ангрен шаҳри жамоаси иккинчи, чирчиқликлар эса учинчи ўринни эгаллади.

**Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

*01 огоҳлантиради*

**Маҳалламизда катта тўй бўлди. Дўстларимиз билан кечга яқин келиннинг уйига отландик. Тўй бўлаётган хонадонга яқинлашганимизда куёвнинг дўстлари шўх рақс бошлашди ва айни шу тобда даврадаги болалар ҳар томонга турли хил қарсилдоқлар ота кетишди.**

## ТЎЙ ТАТИМАДИ

Хунук пақиллаган овозлар аввалига куёвнавкарлар кетаётган йўлнинг орқа томонидан, кейин эса олд тарафдан эшитила бошланди. Бир бола қўлидаги қарсилдоқни эшиги очиқ турган хонадон йўлагига итқитди. Дарвоза очиқ турганигами, йўлакка тушган қарсилдоқ анча ваҳимали гумбурлади. Шунда дарвоза ёнига яқинлашиб келаётган онахон чўчиб, хушидан кетиб қолди. Ёрдамга югуриб борган куёвнинг дўстлари зудлик билан уни касалхонага олиб кетишди. Яхши ният билан бошланган тўй онахоннинг соғлигидан хабар келгунга қадар буткул ўзгариб кетди. Кўнгилсиз вазият туфайли хонадон аъзоларига тўй ҳам татимади.



Ҳали олдимизда биз кутаётган Янги йил байрами турибди. Шодиёна кунлари шу каби аянчли ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан турли тадбирлар олиб борилмоқда. Вилоятимизнинг туман ва шаҳарларидаги Янги йил байрами нишонланадиган жойларда маҳалла посбонлари ва фаолларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, улар томонидан хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган гугуртли қарсилдоқ (пиротехник) воситаларни ишлатиш натижасида ёнғин содир бўлиши ёки инсонларга турли хил тан жароҳати етишини олдини олиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда.

Афсуски, бундай нохуш ҳодисалар шу кунларда тез-тез содир бўлаяпти. Уларнинг олдини олиш нафақат ота-оналар ёки милиция ходимлари, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасидир. Шу каби кўнгилсиз оқибатларнинг юзага келмаслиги учун барчамиз жавобгармиз.

**Мақсуд ИСОҚОВ.**

*Шундан кейин*

### Африкада қор ёғмоқда



Африканинг шимолий қисми сайёрамизнинг энг қуруқ ва иссиқ ҳудудларидан бири ҳисобланади. Шунга карамай, у ерда ҳозир тинимсиз ёмғир ёғмоқда. Бунинг натижасида Марокашда ушбу мамлакат иқлимига хос бўлмаган сув тошқинлари содир бўляпти. Маълумотларга кўра, кўплаб уй-жойлар сув остида қолган. Табиий офат натижасида қурбон бўлганлар йўқ. Маҳаллий аҳоли ҳаёт учун зарур бўлган буюмлар ва озиқ-овқатга муҳтож бўлиб турибди. Аммо, маҳаллий ҳукумат бу муаммони қиска вақт ичида ҳал этишга кўп ҳам ҳаракат қилмаяпти.

### Янги магистраль йўл



2006 йилда Португалия пойтахти Лиссабон ва Испания пойтахти Мадридни бир-бири билан боғлаб турувчи тезюрар поездлар магистралини қуриш ишлари бошланади. Бунинг учун 7 миллиард 700 миллион евро миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Қурилиш ишлари чоғида 100 минг киши иш жойи билан таъминланади. Тезюрар поездлар ҳаракати таъминлангач, иккала пойтахт ўртасидаги масофани 2 соату 45 дақиқа ичида босиб ўтиш мумкин бўлади.

### Испаниянинг миллиардерлари



Испанияда ўтказилиб келинадиган анъанавий лотерея ғолиблари маълум бўлди. Лотереянинг умумий фонди 2 миллиард еврони ташкил этган. Ўйин телевидение орқали уч соат давомида олиб кўрсатилди. Шундан сунг лотерея ғолиблари аниқланди. Унга кўра асосий ютуқ, яъни 500 миллион евро Барселона шаҳрининг бир гуруҳ фуқароларига насиб этди. Улар 1812 йилдан бери ўтказилиб келинаётган лотереянинг навбатдаги ғолиблари бўлишди. Лотерея чиптасининг нархи қимматлиги боис, улар чиптани биргаликда харид қилишган. Испанияда бир шаҳарда истиқомат қилувчи дўстлар ёки қариндошлар лотерея чиптасини пул йиғишган ҳолда сотиб олишлари урфга айланган.





ХК ОАО «Узмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сообщает о том, что выпуск корпоративных процентных облигаций по проспекту эмиссии, зарегистрированного **«Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг»** за **№ Р0737** от **09.11.2004 г.** на сумму **500 млн.** сумов в количестве **5000 шт.** признан несостоявшимся, полученные от продажи облигации денежные средства на сумму **150 млн.** сумов подлежат возврату инвесторам.

Общество с ограниченной ответственностью «Чирчик таом», находящееся по адресу: Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Ш. Рашидова, 42, решением хозяйственного суда Ташкентской области **от 12 декабря 2005 г.** по делу **№ 11-0522/5732** признано банкротом и в отношении ООО «Чирчик таом» открыто ликвидационное производство.

Для предъявления требований кредиторов к ООО «Чирчик таом» установлен двухмесячный срок с даты опубликования настоящего сообщения.

Ликвидационным управляющим решением хозяйственного суда Ташкентской области **от 22 декабря 2005 г.** по делу **№ 11-0522/5732** назначен Шарапов Захирхан Уткурович.

Требования кредиторов принимаются по адресу: *Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Ш. Рашидова, 42.*

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**2005 йил 20 декабрдан бошлаб Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасида «Ишонч телефони» ўрнатилиб, ўз ишини бошлаганлигини маълум қиламиз.**

Сиз 136-76-37 телефони орқали Давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишда, давлат активларини ва мулкларини сотиш савдоларини ташкиллаштирувчи, баҳолаш хизматларини кўрсатадиган тизимлар ходимлари томонидан Сизга нисбатан кўрсатилаётган бюрократизм, расмиятчилик ва сансалорлик ҳолатлари юзасидан маълумот бериб боришингиз мумкин.

Маълумотларнинг анонимлиги ва сирлилиги кафолатланади.

**«Ишонч телефони»** ҳар куни *(дам олиш ва байрам кунларидан ташқари)* **соат 9.00 дан 18.00 гача** ишлайди.

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.**

Паркент туманидаги «БЕРАД» ёрдамчи хўжалиги «Паркент узуми» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилиши муносабати билан ёрдамчи хўжаликка тегишли даъво аризалари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинишини билдиради.

**Тел.** (8-272) 21-733.

Утерянный гос. ордер за № 10-01/19725, выданный 27.04.1993 г. права собственности Камышанской Софьи Юрьевны на квартиру, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ — ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

*Телефонлар:* *Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.*

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-242. Адади 2623. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.*

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.* *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 1 3 4 5 6